

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН ҲУКМ

2025 йил октябрь ойининг 8 куни, жиноят ишлари бўйича Миришкор туман суди ўз биносида, очик суд мажлисида, шу суд раиси А.Бойбиловнинг раислигида, судья ёрдамчиси Н.Ачиловнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Миришкор туман прокурорининг катта ёрдамчиси С.Абдуғаниев, жабрланувчи Б.Алтиев, судланувчи А.Джураев ва унинг химоячиси-адвокат А.Эрназаровларнинг иштирокида, Джураев Анвар Хошкелди ўғлига нисбатан бўлган 1-1811-2501/118-сонли жиноят иши кўриб чиқилди.

Иш ҳужжатларига кўра,

2005 йил 17 октябрь куни Қашқадарё вилояти Миришкор туманида туғилган, миллати туркман, ўзбек тилини яхши билади, таржимон хизматида муҳтож эмас, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, бўйдоқ, маълумоти ўрта, муқаддам жиноят ишлари бўйича Чирокчи туман судининг 2024 йил 22 январдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖК 169-моддаси 3-қисмининг “а” банди билан 2 йил 6 ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган, жиноят ишлари бўйича Қамаш туман судининг 2024 йил 26 августдаги ажрими билан ЖК 89-моддаси 3-қисмининг “а” бандига асосан ўталмай қолган 1 йил 5 ой 21 кун озодликдан маҳрум қилиш жазосидан муддатидан илгари шартли равишда озод қилинган, мавсумий ишчи, Миришкор тумани “Истиклол” маҳалла фуқаролар йиғинида яшаб келган, иш бўйича 2025 йил 30 июль куни соат 22:35 да ушланган, жиноят ишлари бўйича Миришкор туман судининг 2025 йил 31 июлдаги ажрими асосан “Қамоққа олиш” тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов ҳулосаси нусхасини 2025 йил 3 октябрь куни олган **Джураев Анвар Хошгелди ўғли** (Djurayev Anvar Xoshgeldi o'g'li)

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 169-моддаси 3-қисмининг “а” банди билан айбланган.

Суд, судланувчи, жабрланувчи ва гувоҳнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ҳамда ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :



Судланувчи Джураев Анвар Хошгелди ўғли мукаддам жиноят ишлари бўйича Чирокчи туман судининг 2024 йил 22 январдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖК 169-моддаси 3-қисмининг “а” банди билан 2 йил 6 ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиб, жиноят ишлари бўйича Қамашли туман судининг 2024 йил 26 августдаги ажрими билан ЖК 89-моддаси 3-қисмининг “а” бандига асосан ўталмай қолган 1 йил 5 ой 21 кун озодликдан маҳрум қилиш жазосидан муддатидан илгари шартли равишда озод қилинган бўлса-да, бундан ўзига тегишли хулоса чиқариб олмасдан, хавфли рецидивист шахс бўлгани ҳолда, 2025 йил 28 июль кунидан 29 июль кунига ўтар кечаси соат 24:40 ларда Миришкор тумани “Чандир” маҳалласи ҳудудида жойлашган фуқаро Алтиев Бегенч Анварович томонидан ижара асосида фойдаланиб келадиган “Фаст-фуд” озиқ-овқат маҳсулотини тайёрлаб сотадиган савдо дўконининг малла рангли “акфа” ромидан ишланган эшиги ойнасини ерда ётган (дастлабки тергов ҳаракатлари вақтида аниқлаш имкони бўлмаган) тош билан уриб синдириб, 100.000 сўмлик шикаст етказиб, дўкон ичига ғайриқонуний равишда кириб, қизил рангли шкаф устида турган 1 дона бозор баҳоси 1.000.000 сўмлик “Тесно Рова 3” русумли уяли телефон аппарати, қоғоз кутида бўлган 95.000 сўм пули ҳамда бозор баҳоси 12.000 сўмдан бўлган 2 дона 24.000 сўмлик адреналин “Флеш” энергетик ичимликларини яширин равишда талон-торож қилиб, ҳодиса жойидан яширинган.

А.Джураев ўзининг ушбу жиноий ҳаракати билан Ўзбекистон Республикаси ЖК 169-моддаси 3-қисмининг “а” бандида назарда тутилган жиноятни содир этган.

Судланувчи А.Джураев суддаги кўрсатувида, ўзига қўйилган айбловга тўлиқ иқрорлик билдириб, 2025 йил 28 июль куни эрталаб 08:00 ларда ҳар доимгидек Эргашев Нурбекка тегишли бўлган фермер хўжалиги дала майдонига бориб, унинг чорва молларига қараб чўпонлик қилганини, шу куни соат 20:00 ларда ўзининг яшаш уйга келганини, кийимларини алмаштириб, “Чандир” маҳалласидаги чойхонага бориб, 2 дона сомса ва бир дона 0,45 литрлик ароқни олиб бир ўзи истеъмол қилганини, шундан сўнг “Чандир” маҳалласи марказида жойлашган “Мини футбол” стадионга бориб, соат 24:30 ларга қадар ёш йигитларни футбол уйнашини томоша қилиб, танишлари билан суҳбатлашиб ўтирганини, стадиондагилар уйларига қараб тарқалишганидан кейин у ҳам уйига қараб кетганини, акфа ромларидан бир хил қилиб қурилган дўконларни олдига қараб борганини, Бегенч ака ишлатиб келадиган “Хот-дог” сотиладиган савдо дўконни олдига борганида дўконнинг эшиги қулфлаган, чироклари ўчирилган бўлганини, атрофда ҳеч ким йўқлигини билиб, ерда ётган тошлардан бирини олиб, дўкон эшигининг ойнасини уриб синдирганини, шундан сўнг дўкон ичкарасига кирганини, дўкондаги шкаф устида турган бир дона қора рангли уяли телефон аппарати, шкаф олдида қоғозли кутидан 5.000 сўмлик купюрадаги пулларни ва савдо растасида турган 2 дона “Флеш” ичимлигини олиб, кирган жойидан қайтиб чиқиб уйига қараб



кетганини, ўғирланган телефон аппарати ва пулларни ётган жойидаги кўрпача орасига тикиб яширганини, эртаси куни эрталаб ётган жойидан туриб, дўкондан олиб чиқилган “Флеш” ичимликларини ичиб, 95.000 сўм пулларни ҳам ўзининг эҳтиёжи учун ишлатиб юборганини, ичимликларни истеъмол қилганидан ўзини ёмон ҳис қилганлиги сабабли Бегенч акани савдо дўконига қайтиб борганини, Бегенч ака ҳолат бўйича ИИБ ходимларига хабар берганини билганини, ИИБ ходимлари у билан суҳбат ўтказишганидан кейин айбини тан олиб, Бегенч акани дўконига бир ўзи кирганини, пулларни ишлатганини, “Флеш” ичиликлари ичиб қўйганини, телефон аппарати ёнида эканлини айтиб, Бегенч акадан узр сўраганини, телефон аппаратини ИИБ ходими А.Тураевга тақдим этганини, ИИБ ходими ундан Бегенч акага тегишли бўлган 1 дона “Techno Pova Neo 3” русумли телефон аппаратини холислар иштирокида ҳужжатлаштириб олганини, қилмишидан пушаймонлигини, ҳамамдан кечирим сўрашини баён қилиб, суддан бугунги кундан жабрланувчига етказилган ҳаражалар тўлиқ қопланганини, ёшлигини инобатга олиб, унга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинлашни сўради.

Жабрланувчи Алтиев Бегенч Анварович суддаги кўрсатувида, 2025 йил 12 июнь кунида тоғаси Эркаев Шухратнинг телефон таъмирлайдиган устахонасини йилига 3.000.000 сўмдан ижра ҳақи тўлаш шарти билан ижарага олганини ва эртаси куни нарсалари олиб келиб жойлаштирганини, мазкур дўконда онаси билан иккала биргаликда ишлаб, фуқароларга тез тайёрланадиган маҳсулотларни (хот-дог, музқамок, газли ичимликларни) тайёрлаб сотишларини, у тахминан 20 июнда ёнидаги дўконда телефон тuzатадиган устахонанинг эгаси Ҳамидулладан 200.000 сўмга видеокамера сотиб олиб, ўзи юритаётган дўконнинг ички бурчагига ўрнатганини, дўконнинг акфадан таёрланган 2 табақали ойнали эшиги, 2 ойна деразаларини мавжудлигини, дўкондаги барча эшик ва деразаларга қулф ўрнатилган бўлганини, у кунига ўртача 100-300 минг сўм атрофида савдо қилишини, шундан ҳар куни 100.000 сўм пулларни кассага эртанги кун учун нон олиш мақсадида қолдириб, қолган пулни ўзи билан олиб кетишини, 2025 йил 29 июль куни эрталаб соат тахминан 06:20 ларда онаси Ҳакимова Лола унга телефон қилиб, дўкон эшигининг ойнаси синиб ётганини, кассадаги пулларнинг ҳам йўқлигини, ўғрилиқ бўлганга ўхшашини айтганини, шунда у орадан 10 минутлар ўтиб ўзининг скутерида Ҳамид билан бирга дўконга келган вақтида дўконнинг ичида онаси йиғлаб ўтирганини, у дўконнинг ҳамма жойлари қараб чиққанини, дўконнинг кассасига кечқурун қўйиб кетган 95.000 сўм пуллари, кассанинг ёнига қўйилган тоғасининг ўғли унга Россия Федерациясидан жўнатган “Тесно Пова-3” русумли телефон аппарати йўқлигини билганини, шундан сўнг онаси билан билан бирга дўконига ўрнатилган видеокамерадаги тасвирларни телефони орқали кўздан кечиришганида 28 июль кунидан 29 июль кунига ўтар кечаси соат 00:47 да номаълум шахс дўкон эшигининг ойнасини синдириб, ичкарига кириб, 2 дона “Adrenalin”, 2 дона анор суви ва 2 дона “Флеш” ичимликларини, кассадаги пулларни ва 1 дона телефон



аппаратини олиб чиқаётганини кўришганини, шундан сўнг у мазкур ҳолат ҳақида маҳалла профилактика инспекторига хабар берганини, профилактика инспектори келиб, ҳодиса жойини кўздан кечириб кетганини, у видеотасвирни қишлоқдаги болаларга кўрсатиб, улардан видеотасвирга бошининг орқа томони билан юзининг ярми тушиб қолган болани таниш-танимаслигини сўраганида улар видеотасвирга тушиб қолган шахсни маҳалладаги Анвар исмли бола эканини айтишганини, у Анвар исмли болани дўконга кўп мартаба келиб овқатланиб кетганлиги сабабли танишини, шу сабабли болаларга унга бориб айтишларини, агар ўзи келиб, олган нарсаларини қайтариб берса ариза ёзмаслигини айтганини, орадан тахминан 2 соатлар вақт ўтганидан кейин Анвар дўконга кириб келганини ва ундан “мен камерага тушиб қолибманми?” деб сўраганини, шунда у унга камерага тушиб қолганини айтиб, видеотасвирни кўрсатганини, орадан тахминан 1 соат вақт ўтганидан кейин ИИБ ходимлари келишганини ва Анварни ўзлари билан олиб кетишганини, у ҳолат юзасидан тумани ИИБга бориб, ариза билан мурожаат қилганини, дастлабки тергов даромида ўғирланган телефон аппаратини соз ҳолатларда қайтариб олганини, дўкон эшигига таъмирлаш учун ўз ҳисобидан 100.000 сўм ҳаражатлар қилганини, телефонида ташқари ўғирларган пуллари ва ичимликлари ҳамда эшикни таъмирлаш ҳаражатлари билан қўшиб ҳисоблаганда унга етказилган моддий зарар миқдори 300.000 сўмни ташкил қилишини, бугунги кунда унга етказилган ушбу зарарларни судланувчининг отаси томонидан тўлиқ қоплаб берилганини, судланувчига нисбатан бошқа даъвоси йўқлигини баён қилиб, суддан судланувчига нисбатан қонуний енгиллик қилишни сўради.

Гувоҳ Ҳакимова Лола Равшановна судда жабрланувчи Б.Алтиевнинг кўратувлари тасдиқлаб, ўхшаш кўрсатув берди.

Бундан ташқари, судланувчи А.Джураевнинг айби жабрланувчининг аризаси, ҳодиса жойини текшириш баённомаси, чизмаси ва фотосуратлар, нарсани олиш баённомаси, видеотасвир ёзилган диск ва фотосуратлар, кўрсатувиларни ҳодиса жойида текшириш баённомаси ва видеотасвир ёзилган диск, таниш олиш баённомаси ва фотосуратлар, нарсани ашёвий деб топиш баённомаси, шунингдек, тушунтириш хатлари, сўроқ баённомалари ҳамда ишда тўпланган бошқа далиллар билан ҳам ўз исботини топади.

Суд, судланувчи А.Джураевнинг айб квалификациясини муҳокама қилиб, қуйидаги тўхтамга келди:

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 60-моддасида, фуқаролар Конституция ва қонунларга риоя этишга, бошқа инсонларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, шаъни ва кадр-қимматини ҳурмат қилишга мажбур эканлиги белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1999 йил 30 апрелдаги “Ўзгалар мулкини ўғрилик, талончилик ва босқинчилик билан талон-торож қилиш жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 6-сонли қарорининг 1-бандида, жабрланувчининг ёки бошқаларнинг йўқлигида ёки улар бор бўлса-да, уларга билдирмасдан ўзганинг мол-мулкини яширин талон-торож қилиш ўғрилик ҳисобланиши, борди-ю



жабрланувчи ёки бошқалар мол-мулкининг олинаётганлигини кўрган бўлса-да, лекин айбдор билдирмасдан ҳаракат қилган деб ўйлаган бўлса, бундай қилмишни ҳам ўғрилик деб тавсифлаш лозимлиги;

2008 йил 15 майдаги “Бир неча жиноят содир этилганда қилмишни квалификация қилишга доир масалалар тўғрисида”ги қарорнинг 20-бандида, хавфли рецидив жиноят деб топишни қонун шахсининг илгари содир этган жинояти учун судлангандан кейин унга айнан ўхшаш янги жиноятни қасдан содир этиши билан боғлаши, айнан ўхшаш жиноятлар деганда шахс илгари судланган Жиноят кодекси Махсус қисми айнан бир моддасида назарда тутилган жиноятларни янгидан содир этиш тушунилиши лозимлиги ҳақида тушунтиришлар берилган.

Суд, юқоридаги Пленум қарори тушунтиришларига мувофиқ, судланувчи А.Джураевнинг илгари ўғирлик жинояти содир этганлиги учун судланиб, янгидан шу турдаги ўғирлик қилишда ифодаланган хавфли рецидив жиноий ҳаракати дастлабки тергов органи томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖК 169-моддаси 3-қисмининг “а” банди билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Тергов органи томонидан судланувчи А.Джураевга 2025 йил 28 июль кунидан 29 июль кунига ўтар кечаси соат 24:40 ларда Миришкор тумани “Чандир” маҳалласи ҳудудида жойлашган фуқаро Алтиев Бегенч Анварович томонидан ижара асосида фойдаланиб келадиган “Фаст-фуд” озиқ-овқат маҳсулотини тайёрлаб сотадиган савдо дўконининг малла рангли “акфа” ромидан ишланган эшиги ойнасини ерда ётган (дастлабки тергов ҳаракатлари вақтида аниқлаш имкони бўлмаган) тош билан уриб синдириб, 100.000 сўмлик шикаст етказиб, дўкон ичига ғайриқонуний равишда кириб, қизил рангли шкаф устида турган 1 дона бозор баҳоси 1.000.000 сўмлик “Тесно Рова 3” русумли уяли телефон аппарати, қоғоз кутида бўлган 95.000 сўм пули ҳамда бозор баҳоси 12.000 сўмдан бўлган 2 дона 24.000 сўмлик адреналин “Флеш” энергетик ичимликларини яширин равишда талон-торож қилиб, савдо дўконига 300.000 сўм миқдоридан зарар етказиб кирган жойидан қайтиб чиқиб ҳодиса жойидан яширинган деб айб қўйилган бўлсада, судда жабрланувчи Б.Алтиев дўкон эшигига таъмирлаш учун ўз ҳисобидан 100.000 сўм ҳаражатлар қилганини баён қилди.

Бундан кўринадики, А.Джураев ўғирлик қилиш мақсадида савдо дўкони эшигининг ойнасини синдирганлиги оқибатида 100.000 сўм зарар етказган.

Шу сабабли, суд А.Алтиевнинг зиммасидан ортиқча қўйилган зарар суммасини чиқаришни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 21-моддасида, ҳар бир инсон ўз шахсини эркин камол топтириш ҳуқуқига эга эканлиги, ҳеч кимга унинг розилигисиз қонунчиликда белгиланмаган мажбурият юклатилиши мумкин эмаслиги, инсон ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахсларнинг, жамият ҳамда давлатнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига путур етказмаслиги шартлиги, инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари фақат қонунга мувофиқ ва фақат конституциявий тузумни,



аҳолининг соғлиғини, ижтимоий ахлоқни, бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, жамоат хавфсизлигини ҳамда жамоат тартибини таъминлаш мақсадида зарур бўлган доирада чекланиши мумкинлиги мажбур эканлиги белгиланган.

Жиноят кодексининг 7-моддасида, жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо тайинланиши ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши кераклиги;

8-моддасида, жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилona бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши лозимлиги кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарорининг 1-бандида, судларнинг эътибори жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилишга қаратилиши;

-бандида, Жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши-ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги:

37-бандида, ЖК 57-моддасига мувофиқ, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар аниқланган тақдирда, Жиноят кодекси Махсус қисми моддаси санкциясида назарда тутилган энг кам жазодан ҳам камроқ ёки шу моддада назарда тутилмаган бошқа енгилроқ жазо тайинланиши мумкинлиги, бунда, қонунга мувофиқ, судлар, нафақат шахс жиноят содир этиш вақтида кўзлаган мотив ва мақсад, айб шакли ва даражасини, балки, айбдорнинг шахси, жиноят иштирокчилари орасидаги роли, жиноят содир этилиш пайтидаги ёки содир этилганидан кейинги хулқ-атвори, жиноятни содир этиш сабаблари ва бунга олиб келган шарт-шароитни ҳам эътиборга олишлари лозимлиги, жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи алоҳида ҳолатлар рўйхати қонунда кўрсатилмаганлигини назарда тутиб, суд қабул қилган қарорини ҳукмда асослантирган ҳолда жазони енгиллаштирувчи айрим ҳолатни ҳам, уларнинг мажмуини ҳам бундай ҳолат сифатида тан олиши мумкин (масалан моддий зарарнинг тўлиқ қопланганлиги, судланувчи ёки ота-онасининг оғир касаллиги, уларнинг меҳнатга лаёқатсизлиги, айбдор ота-онасининг ёки боласининг бошқа боқувчиси йўқлиги, судланувчининг кекса ёшда эканлиги, унинг бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилган жиноятни очишда фаол иштирок этганлиги, жабрланувчининг жиноят содир этилишига туртки берган ҳуқуққа хилоф хулқ-атвори, жабрланувчининг судланувчи билан ярашганлиги ва ҳ.к.) ҳақида тушунтириш берилган.



Суд, судланувчи А.Джураевга нисбатан жазо тайинлашда ўз айбига иқроор ва чин кўнгилдан пушаймонлигини, жабрланувчига етказилган зарарларнинг кўпчилик қисми қопланганини жазосини энгиллаштирувчи ҳолатар деб топиб, илгари ҳам қасддан жиноят содир этиб, янгидан қасддан жиноят содир этганлигини жабрланувчига етказилган зарарларнинг кўпчилик қисми қопланганини, у томонидан содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолат сифатида инобатга олиб, ЖКнинг 57-моддасини қўллаган ҳолда қонун санкциясида белгиланган энг кам жазо муддатидан ҳам камроқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлашни, илгариги ҳукми юзасидан ўталмай қолган озодликдан маҳрум қилиш жазосининг шартлилигини бекор қилишни, мазкур ҳукм билан тайинланган жазо муддатига ЖКнинг 60-моддаси тартибида жиноят ишлари бўйича Чироқчи туман судининг 2024 йил 22 январдаги ҳукми юзасидан ўталмай қолган 1 йил 5 ой 21 кун муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосини қисман қўшиш йўли билан ўташ учун узил-кесил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлашни, жазони қаттиқ тартибли колонияларда ўтатиришни, жазо муддатини у гумон қилинувчи тариқасида ушланган кундан бошлаб ҳисоблашни, унга нисбатан қўлланилган “Қамоққа олиш” тарзидаги эҳтиёт чорасини ўзгартиришсиз қолдиришни лозим топди.

Суд, жабрланувчига етказилган зарарларнинг қопланиши ва ашёвий далилар масаласини муҳокама қилиб, жабрланувчига етказилган зарарлар тўлиқ бартараф қилинганлигини эътироф этишни, иш бўйича ашёвий далил деб эътироф этилган 1 дона “Тесно Рова 3” русумли телефон аппарати жабрланувчига тилхат орқали қайтарилганлигини қайд қилишни, 3 дона ДВД дискларни жиноят иши билан бирга сақлашни лозим топди.

Юқоридагиларга кўра ва Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 460, 463, 465-468, 471, 473-моддаларига амал қилиб, суд

Ҳ У К М Қ И Л Д И :

Джураев Анвар Хошгелди ўғли (Djurayev Anvar Xoshgeldi o'g'li) Ўзбекистон Республикаси ЖК 169-моддаси 3-қисмининг “а” бандида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

А.Джураевга Ўзбекистон Республикаси ЖК 169-моддаси 3-қисмининг “а” банди билан шу Кодекснинг 57-моддаси қўлланиб 3 (уч) йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

А.Джураевга илгариги ҳукм юзасидан ўталмай қолган 1 йил 5 ой 21 кун муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосининг шартлилиги бекор қилинсин.

А.Джураевга мазкур ҳукм билан тайинланган жазо муддатига ЖКнинг 60-моддаси тартибида жиноят ишлари бўйича Чироқчи туман судининг 2024 йил 22 январдаги ҳукми юзасидан ўталмай қолган 1 йил 5 ой 21 кун муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосини қисман қўшиш йўли билан



Ўташ учун узил-кесил 3 (уч) йил 2 (икки) ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Жазо қаттиқ тартибли колонияларда ўтатирилсин.

Жазо муддати 2025 йил 30 июль кунидан бошлаб ҳисоблансин.

А.Джураевга нисбатан қўлланилган “Қамоққа олиш” тарзидаги эҳтиёт чораси ўзгартиришсиз қолдирилсин.

Жабрланувчига етказилган зарарлар тўлиқ бартараф қилинганлиги эътироф этилсин.

Иш бўйича ашёвий далил деб эътироф этилган 1 дона “Тесно Рова 3” русумли телефон аппарати жабрланувчига тилхат орқали қайтарилганлиги қайд қилинсин;

3 дона ДВД дисклар жиноят иши билан бирга сақлансин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан, маҳкум ва жабрланувчи ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб ўн сутка муддат ичида шу суд орқали Қашқадарё вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига апелляция тартибида ёки ҳукм қонуний кучга киргач кассация тартибида шикоят қилиши, прокурор эса протест билдириши мумкинлиги тушунтирилсин.

Раислик қилувчи судья

А.Бойбилов

